





## ЎЛКАМИЗДА ПИШИҚЧИЛИК

# БОҒЛАРДАН БОЛ ТОМАДИ



Шу кунларда ўлкамизнинг болга тўлган сўлим боғларида бўлган кишининг дили яйрайди. Мўл ҳосилдан боши эгик олмазорлардаги турли рангда товланаётган меваларни кўриб кўзингиз қамашади. Оғзингизда эриб кетадиган ширин-шакар неъматлар шохларида мени е, деб тургандай. Шафтолиларни айтмайсизми, биттасига одам тўядиган қипқизил «от ёғи» деганидан тортиб, тилнинг тагига босадиган оқ навлиларигача ғарқ пишиб ётибди. Арикчалардаги зилол сув боғ оралаб аллақаёқларга чопади. Бу ердаги манзара шунчалик гўзал, дилрабоки, кўрган одам унга беихтиёр маҳлиё бўлиб, боғбонини суриштириб қолиши табиий.

Ана шундай ажиб манзарани Дўстлик районидаги «Ўзбекистон ССР 50 йиллиги» совхози боғларида ҳам учратиш мумкин.

Баҳорда боғлардаги мевали дарахтлар нақадар кўп гуллаганди. Бу мўл ҳосилдан дарак берарди. Лекин ҳали ҳаммаси олдинда, гуллар мевага айланиши, сўнгра эса уни тўла сақлаб қолиш учун ишлов бериш, астойдил меҳнат қилиш лозим эди...

Совхознинг бош агрономи Неъматжон Юнусов шуларни эсларкан, хўжалик меҳнаткашларининг шундан кейинги яратувчилик ишларини ҳам беихтиёр кўз олдига келтирди. Дарҳақиқат, соҳибкорлар мўл ҳосил етиштириш учун йил бўйи фидокорона тер тўкишди. Дастлаб боғларга маҳаллий ва минерал ўғитлар солинди, сўнгра вақтида суғорилди, зараркунандаларга қарши қатор чора-тадбирлар ўтказилди. Натижада кўзланган мақсадга эришилди.

Шу кунларда пишиб етилган меваларни йиғиб-териш уюшқоқлик билан олиб борилаяпти. Айниқса ноз-неъматларни тез ва соз саранжомлаб олишда Эргаш Воҳидов бошчилик қилаётган звено соҳибкорлари пешқадамлик қилмоқдалар. Улар эл дастурхонига 1 минг 50 тонна узум тортиқ этишмоқчи.

Муроджон Суюнов кўпдан буён хўжаликнинг 9-звеносини бошқаради. Звено боғбонлари ҳар йили белгиланган планни ошириб адо этишмоқда. Ҳозирда миришкорлар давлатга 700 тонна сархил мева топшириш учун курашмоқдалар.

Хўжаликда уста боғбонлар талайгина. Айниқса Мамарасул Дониёров, Ўрозбой Жуманов, Халил Норжигитов, Тўлахон Қосимова, Қўчқор Юсупов каби илғор соҳибкорлар меҳнатда жонбозлик кўрсатиб бошқаларга намуна бўлаётирлар.

Совхозда етиштирилаётган ширин-шакар меваларга талаб катта. Мамлакатимизнинг кўплаб саноат районларидан, шимолда жойлашган шаҳарлардан хўжаликка буюртмалар келиб турибди. Бу ерда тайёрланаётган олма, олхўри, шафтоли ва узумларни жўнатишни сўраб турли савдо базалари илтимосномалар юборишади. Шундай қилиб, сахий ўлкамиз тупроғида етилган турли-туман ноз-неъматлардан узоқдаги кишилар ҳам баҳраманд бўлишмоқда. Бу йил хўжалик боғбонлари Бутуниттифоқ фондига 200 тонна мева жўнатишга аҳд қилишган. Улар мамлакат Озиқ-овқат дастурини рўёбга чиқаришга муносиб ҳисса қўшиш, эл-юрт дастурхонини тотли ноз-неъматлар билан тўкин қилиш йўлида астойдил тер тўкмоқдалар.

**И. АЛИМОВ.**

●

**СУРАТЛАРДА: 1. Тажрибали боғбон Муроджон Суюнов. 2. Олма ҳосили. 3. Илғор ишчи Дилором Нуржигитова. 4. Совхоз бош агрономи Неъматжон Юнусов (ўртада), соҳибкорлардан Мирзаали Норматов ва Жўрахон Қорахонов.**

Н. МУҲАММАДЖОНОВ олган суратлар.

# ПАРТИЯНИНГ ЎРНИ ВА МАВҚЕИ

**(Давоми. Боши 1-бетда).**

— Кўп партиявийлик воқеликка айланаяпти, бироқ мен мамлакатни танг ҳолатдан мустақил равишда олиб чиқишга қодир бўлган Коммунистик партиядан бўлак кучли ижтимоий-сиёсий ташкилотни кўрмаяпман.

Бундан ташқари, агар ҳозирги пайтда қайта қуриш тақдирини ўйламай-нетмай ҳали мустаҳкамланмаган партия ва ҳаракатлар қўлига топширилса, нима бўлишини бир тасаввур қилиб кўринг. Бордию улар миллатчилик йўлини тутишса, демак, жамият сиёсий парокандаликка, ижтимоий-иқтисодий вайроналикка айланади-қўяди. Ўз хатти-ҳаракатлари, дастурий баёнотлари билан жамиятни социалистик йўлда янгилаш тарафдори эканликларини кўрсатаётган қайта қуриш кучларига иттифоқдош бўламиз, шерикчилик муносабатларини ўрнатамиз.

Демак, Коммунистик партия ўзининг сиёсий раҳнамолиги учун кураш олиб бориши, буни қарор топтириши, аҳоли барча ижтимоий гуруҳлари ва қатламлари манфаатларини ҳимоя қилиши, халқнинг моддий фаровонлигини оширишга аниқ тарздаги ишлари билан кўмаклашуви лозим.

Вилоят партия ташкилоти ўзининг етакчилик позициясини амалий хатти-ҳаракатлари билан мустаҳкамлаб бораяпти.

Биринчидан, биз вилоятни ижтимоий-иқтисодий жиҳатдан янгилаш юзасидан ўз ҳаракат дастуримизни ишлаб чиққанмиз, унда вилоят партия ташкилоти шаҳар ва қишлоқларни ривожлантириш йўли қандай бўлиши кераклиги ҳақида ўз қарашларини таклиф этган, ижтимоий адолат ҳамда аҳолининг, айниқса, кам таъминланган, кўп болали оилалар, ногиронлар, ветеранлар, болалар ва талабаларнинг манфаатларини ҳимоя қилиш принципларига устунлик берилган.

Иккинчидан, биз ана шу ҳаракат дастурини аввалги пайтларда бўлганидек партия органлари орқали эмас, балки барча даражадаги Советлар йўли билан амалга ошириш ниятидамиз, бунинг учун коммунист-депутатлар корпусидан фойдаланамиз, халқ ҳокимияти органларида партия фракциясини ташкилий жиҳатдан расмийлаштиришни мўлжаллаяпмиз.

Дарвоқе, Совет органларига сайловлар жараёнида биз саъй-ҳаракатларимиз, режаларимиз халқимиз томонидан қўллаб-қувватланаётганлигини сездик. Эндиги масала ижрони изчил амалга оширишдан иборат. Ҳаёт, тажриба шуни кўрсатаяптики, одамлар дарди, орзу-интилишларини чуқур ўрганмай туриб, ишда бурилиш ясаб бўлмайди. Шу боис партия, совет ходимлари жамоа хўжаликларида, саноат корхоналари, қурилиш ташкилотларида, маҳаллаларда кўпроқ бўлаяпти. Зеро, бу КПССнинг мавқеини мустаҳкамлаш, мақсад сари якдил ҳаракат қилишнинг муҳим омилидир.

**— Съездда сиз редакцион комиссия аъзолигига сайландингиз, деҳқончилик аҳволи ва КПСС аграр сиёсатини амалга ошириш тўғрисидаги резолюцияни ишлаб чиқишда фаол иштирок этдингиз. Айтинг-чи, вилоятда қишлоқ хўжалигини ривожлантиришнинг муҳим омиллари нималардан иборат? Деҳқон ўз ерининг том маънода ҳақиқий хўжайини бўлишига эришиш учун қандай тадбирларни амалга ошириш керак?**

— Меҳнаткашлар моддий фаровонлигини оширишнинг муҳим шартларидан бири озиқ-овқат маҳсулотлари етиштиришни кўпайтириш, тармоқда йиғилиб қолган муаммоларни иложи борича тезроқ ҳал қилишдир. Илғор иш усулларини кенг жорий этишга қаратилган сиёсат дастлабки ижобий самаралар бермоқда. Ижара, пудрат, кооперация ҳаётимизга чуқурроқ сингиб бормоқда. Фермер хўжаликлари ҳам ривожланмоқда.

Ҳозирги кунда вилоятдаги мавжуд 2.400 деҳқон фермасида 13 мингга яқин қорамол парваришланаяпти. Ҳамжиҳатлик, омилкорлик туфайли йил бошидан буён улар 425 тонна гўшт, 7 минг тонна сут етиштирдилар. Кўрсаткичлар ўсиб бормоқда. Мутахассисларнинг фикрича, ўн учинчи беш йиллик охирига бориб фермер хўжаликлари йилига ўрта ҳисобда 4 минг тонна гўшт ва 43 минг тонна сут етказиб бериш имконига эга бўладилар.

Ўтган йили қишлоқ оилаларининг томорқа хўжаликларига эҳтиёжи тўла қондирилди. Ана шу мақсад учун 20 минг гектар суғориладиган ер ажратилди. Демак, ҳар бир оиланинг томорқаси камида 0,21 гектарни ташкил этаяпти. Қувончлиси шуки, бунинг шарофати туфайли ноз-неъмат кўпайишидан ташқари қанча-дан-қанча кишилар иш билан таъминландилар.

Ҳа, мўл-кўлчиликни, моддий манфаатдорликни таъминламай туриб, одамларни мақсад сари тўла сафарбар этиб бўлмайди. Қорни оч, муаммолар уюмидан боши қотган кишига на қўшиқ, на сиёсат ёқади... Сўнгги вақтларда шикоят хатлари бир мунча камайди. Эндиликда аҳоли дўконлардан товуқ, тухум, сариёғ ва бошқа маҳсулотларни бемалол харид қилмоқда. Картошка, пиёз, помидор каби неъматларнинг ҳам кети узилмаяпти. Таъкидлаш керак: бу йил Бухоро колхоз бозорида арзончилик. Жумладан, картошканинг бир килограмми 40—50 тийин, қовун ва тарвузники эса 20 тийин.

Пахта яккаҳокимлигига барҳам беришга астойдил киришганмиз. Қисқа вақт ичида чигит экиладиган майдонлар 13 фоиз қисқартирилди. Пахтадан бўшаган ерларда янги боғлар, узумзорлар бунёд этилаяпти. Ҳар қачонгидан кўп чорва озуқаси етиштириш имконига эга бўлдик. Бироқ, муҳим масалага ўта ҳушёрлик билан ёндашиш лозим. Баъзи гуруҳларнинг барча мушкулотларимиз пахтадан, деган уйдирмаларига зарба бермоқдамиз. Бу бебаҳо экин — халқимиз фахри, ғурури, Бутуниттифоқ фондига етказиб берадиган энг олий тортиғимиздир. Қолаверса, у қишлоқ меҳнаткашининг асосий даромад манбаидир. Хом ашё харид нархини ошириш, унинг асосий қисмини жумҳуриятимизда қайта ишлашни йўлга қўйиш масаласи эса бошқа гап. Келажакда кўп тармоқли бирлашмалар-агрофирмалар, агрокомбинатларни бунёд этиш кўзда тутилмоқда. Бу мустақилликни таъминлаш, вилоятдан ташқарида бўлган корхоналар билан ўзаро манфаатли алоқалар ўрнатиш имконини беради.

**— Бухоро — ажойиб вилоятларимиздан бири. Тарихий ёдгорликлар, халқ анъаналари оғиздан-оғизга кўчган. Ҳозирги кунда шаҳар ва қишлоқларни ривожлантириш учун қандай ишлар амалга оширилаяпти?**

— Бу борадаги муаммолар кўп қиррали бўлиб, уларни ҳал этиш комплекс ёндашувни талаб этади. Шу боисдан бундан бир неча йил аввал бир-бирининг узвий давоми бўлган программалар қабул қилинганди. Уй жой масаласига эътибор ҳар қачонгидан кучайган. Қурилиш ташкилотларида фаолият юритаётган коммунистлар, халқ депутатлари орқали партиявий таъсир ўтказилмоқда. Илғор тажрибалар оммалаштирилиб, социалистик мусобақага қизғин тус берилаяпти. Натижа ёмон эмас. Сўнгги икки йил мобайнида биринчи марта уй-жой қурилиш ишлари ҳажми бир ярим марта ошди. Умуман ўн йил ичида 20 миллион квадрат метр саҳнли бошпана қурилиши керак. Мақсадга эришиш учун таъминотдаги узилишларга барҳам бериш, ички имкониятлардан унумли фойдаланиш, интизомни мустаҳкамлашга эришишимиз лозим. Эътибор қилинг: муҳим соҳадаги 60 фоиз иш шахсий қурилишлар ҳисобига тўғри келади. Режани амалга ошириш осон эмас. У катта куч-ғайрат билан ишлаш, омилкорлик, ташкилотчилик кўрсатишни тақозо этади. Свердлов районидан ўрганса арзийди. Жумладан, бу ердаги деярли ҳар бир хўжаликда ғишт заводи, дурадгорлик ҳамда бошқа ёрдамчи цехлар ишлаб турибди. Халқ олдидаги масъулиятни чуқур ҳис этаётган раҳбар ва мутахассисларнинг жонбозликлари туфайли Россиядаги ташкилотлар билан маҳсулот айирбошлаш йўлга қўйилди. Натижада қисқа вақт ичида кўплаб ёғоч ва бошқа қурилиш материаллари келтирилди. Қўлга киритилаётган дастлабки ютуқлар маҳаллий партия, совет ташкилотлари, қурилиш органлари ўз фаолиятларини янгича талаблар асосида қайта қуришга астойдил интилаётганликларидан далолат.

Қишлоқда шароит оғир. Ижтимоий соҳа муаммоларини ҳал этиш учун ҳамма ерда бирдек ҳаракат қилинаётгани йўқ. Айниқса аҳолини ичимли сув билан тўла таъминлаш, уларни табиий газдан баҳраманд этишда жиддий тўсиқларни енгиб ўтишимиз керак. Кўпчиликнинг талаб ва истаклари инобатга олиниб, қўшимча тадбирлар белгиланди. Қабул қилинган қарорлар ижроси қатъий назоратда. Шунингдек, чекка шаҳар ва қишлоқларни ер ости қудуқлари қазиш орқали оби ҳаёт билан таъминлаш режасини белгиладик. Беш йиллик охиригача қишлоқ ва посёлкаларга уч ярим минг километр газ қувурлари тортилади. Болалар муассасалари тармоқларини кенгайтириш, мактаблар қуриш ишлари жонлантирилмоқда. Ўрта ҳисобда йилига 6 минг ўринли боғча ва яслилар ишга туширилади.

**— Анжуманда «КПСС XXVIII съезди делегатларига топшириқ» хусусида махсус қарор қабул қилинди. Вилоятда шу борада қандай тадбирлар амалга оширилаяпти?**

— Аввало меҳнат жамоаларида партия ҳужжатларининг моҳияти чуқур сингдирилмоқда. Оммавий ахборот воситалари, кўп сонли тарғиботчилар бу борада алоҳида намуна кўрсатмоқдалар? Бухоро вилоят партия конференциясининг ҳамда XXVIII съезднинг делегатлари йирик саноат корхоналари, қурилиш ташкилотлари, колхоз ва совхозларда бўлиб, кўпчиликни тўлқинлантираётган саволларга жавоб беришмоқда. Буларнинг ҳаммаси ишчи ва хизматчилар, колхозчилар, зиёлилар ғайрат-шижоатини оширмоқда. Қуйи бўғинларда янги-янги ватанпарварлик ташаббуслари юзага келиб, оммалашмоқда. Ўзим ҳам одамлар орасида бўлишга, муаммоларни жойида ҳал этишга интилаяпман. Муҳими халқимиз партия режаларини рўёбга чиқариш, Озиқ-овқат программасини муваффақиятли ҳал этиш учун бугун кечагидан, эртага эса бугунгидан кўра унумлироқ, самаралироқ меҳнат қилмоқда. Яратувчилик ишининг олдинги сафида коммунистлар боришмоқда.

**Суҳбатдош:**
**В. НИКУЛИН.**

# ЧЕТ ЭЛЛАРДА

БОНН. Ғарбий Германия сиёсий арбоблари СССР билан ГФР ўртасида бундан роппа-роса 20 йил илгари имзоланган шартномага юқори баҳо беришмоқда. Мазкур шартнома Германия Федератив Жумҳуриятининг Совет Иттифоқи билангина эмас, Шарқий Европадаги бошқа мамлакатлар билан бўлган муносабатларидаги кескинликни юмшатишга асос солган эди.

Москва шартномаси халқаро ҳамда Европа миқёсида Хельсинки кенгашига замин яратганди, деди ГСДП ҳайъатининг аъзоси Эгон Бар Парламентариш-политишер прессединст ахборотномасининг мухбири билан суҳбатда. Худди шу киши ўша вақтдаги ҳукумат бошлиғи Вилли Брандтнинг топшириғига биноан ушбу шартномани ишлаб чиқишда бевосита қатнашган эди. Москва шартномасига асос солинган, кейинчалик Хельсинкида давом эттирилган кескинликни юмшатиш сиёсати, деб таъкидлади Бар, Совет раҳбари Михаил Горбачев ўзи ўтказа бошлаган ташқи сиёсий йўлида таянган пойдевор бўлди. Эндиликда давлатлар ўртасидаги муносабатларни кескинликни юмшатиш асосида ўрнатиш керак бўлур эди, куч ишлатишдан воз кечиш эса энг олий мақсад бўлиб қолиши керак.

Энди икки герман давлатини бирлаштириш натижасида янги тарихий босқич бошланмоқда, деб сўзида давом этди Бар. СССР билан Бирлашган Германия ўртасида янги шартнома тузилиши мутлақо мантиқий бўлади.

●

ҚОҲИРА. Ироқ президенти Саддам Ҳусайн Форс кўрфазидаги ҳозирги тангликни бартараф этишга территорияларни чет эл қўшинлари босиб олиши натижасида Яқин Шарқда вужудга келган бошқа муаммоларни ҳал қилишни шарт қилиб қўйди. У Ироқ телевидениеси орқали ўқиб берилган баёнотида, жумладан Ироқ Қувайтни оккупация қилиб туришини тўхтатиш эвазига бир вақтнинг ўзида Исроил қўшинларини босиб олинган араб территорияларидан, Сурия бўлинмаларини Ливандан олиб чиқиб кетишни таклиф қилди. Шунингдек Ироқ президенти Саудия Арабистонига келтириб қўйилган Америка бўлинмаларини араблараро қуролли кучлар билан алмаштиришни таклиф этди. Бундай кучларнинг сони ва қаерда жойлаштирилишини БМТ хавфсизлик кенгаши белгилаб бериши мумкин.

●

ИСЛОМОБОД. Карочида Беназир Бхутто бошлиқ собиқ ҳукуматнинг бир қанча юқори лавозимли амалдорлари қамоққа олинди. Ассошиэйтед пресс оф Пакистон агентлиги «расмий манбалар»га таяниб, шуни ҳабар қилди. Қамоққа олинганлар орасида собиқ бош министрнинг шахсий котиби ҳам бор.

Агентлик бу амалдорлар жамоат тартибини сақлаш тўғрисидаги қарорга асосан қамоққа олинди, деб ёзади.

●

ТОКИО. Япония Бош министри Тосики Кайфу Ироқ Қувайтга бостириб кирганидан сўнг регионда вазият кескинлашганлиги муносабати билан Саудия Арабистони ва Яқин ҳамда Ўрта Шарқдаги бошқа мамлакатларга сафарини кечиктиришга қарор қилди. Кайфу 15—27 август кунларига белгиланган ана шу сафар давомида Туркия, Саудия Арабистони, Уммон, Иордания ва Мисрга бориши лозим эди.

●

ХИТОЙ. Сингапур билан дипломатия муносабатларини ўрнатишга тайёр. ХХР Давлат Кенгашининг раиси Ли Пэн Сингапурда журналистлар билан учрашувда сўзлаган нутқида ана шуни маълум қилди.

Хитой билан Сингапур ўртасида дипломатия муносабатларини ўрнатишнинг аниқ вақти белгиланмаган бўлса ҳам, бу воқеа йил охиригача содир бўлади, деб хабар қилди Киодо Цусин. Ли Пэннинг гапларига қараганда, Хитой бу масалани Сингапур ҳукумати ихтиёрига ҳавола қилади.

Ли Пэннинг Сингапурда бўлиши Хитой ҳукумати бошлиғининг сўнгги тўққиз йилдаги биринчи ташрифидир.

●

БРЮССЕЛЬ. Америка Қўшма Штатларининг Бельгия пойтахтида турган давлат секретари Ж. Бейкер СССР элчиси Н. Н. Афанасьевскийни қабул қилди ва у орқали СССР ташқи ишлар министри Э. А. Шеварднадзе учун Шимолий Атлантика уюшмаси кенгашининг ташқи ишлар министрлари даражасида Форс кўрфазидаги тангликка бағишланиб бу ерда ўтказилган махсус сессияси тўғрисидаги ахборотни топширди.

Давлат секретари рўй бераётган воқеаларга Американинг муносабатини баён этди. Совет томони Форс кўрфазидаги ҳозирги вазият янада каттароқ ҳарбий можарога айланишига йўл қўймаслик учун сарфланаётган куч-ғайратларнинг муҳимлигини таъкидлади.

●

НЬЮ-ЙОРК. АҚШдаги етакчи оммавий ахборот воситалари Ироқ Қувайтга бостириб кириши муносабати билан Саудия Арабистонига олиб келинаётган Америка қўшинларининг ҳаракатларини ёритиш учун у ерга журналистлар киритилишини талаб қилмоқда. Улар Пентагон 1986 йилдаёқ ҳарбий ҳаракатларни ёритиш учун журналистлар гуруҳини тузишга рози бўлганлигини, бунда махсус журналистлар гуруҳи махфийликнинг барча зарур талабларига риоя этишлари шарт қилиб қўйилганлигини эслатмоқдалар. Бу ишда энг катта ахборот агентликлари, телевидение ва радиокомпаниялари, газета ва журналларнинг репортерлари навбатма-навбат қатнашишлари мумкин бўлур эди. Бу қарор расман бажарилган эди, лекин журналистлар ўз қаламларини ҳалигача ишлатганлари йўқ. Америка репортёрларидан бирортасини Форс кўрфази соҳилларига йўл олган кемага ҳам чиқаришмади.

●

ОТТАВА. Канада Совет Иттифоқи ва Шарқий Европа мамлакатлари билан савдо-сотиқ имкониятларини кенгайтиришга ёрдам берадиган тадбирлар кўрди. Ташқи ишлар министри Жо Кларк ва ташқи савдо министри Жон Кросби қўшма мажлисда Канада компаниялари экспорт қилиш учун алоҳида рухсат олишлари зарур бўлган моллар рўйхати 40 фоиз камайтирилишини айтдилар. Кўплаб шахсий компьютерлар, телекоммуникация ускуналари ҳамда бошқа юқори технологияли молларни сотиш тақиқланмайдиган бўлди.

Баёнотда таъкидланишича, «бундай ўзгаришлардан мақсад Совет Иттифоқи ҳамда Шарқий Европа билан савдо-сотиқни кенгайтиришга кўмаклашишдан», Канада савдо-сотиқ доираларига «ҳозир у ерларда рўй бераётган қайта қуриш жараёнида янада тўлароқ қатнашиш» имкониятини беришдан иборат.

●

ВАШИНГТОН. АҚШ президенти Жорж Буш мамлакат стратегик нефть резервларидан фойдаланишдаги ўз ваколатлари муддатини узайтириш тўғрисидаги фармонга қўл қўйди. Ҳужжатга биноан, маъмурият бошлиғи шу йилнинг 15 сентябригача мазкур резервларни тасарруф этиш ҳуқуқини олади.

Президент тасдиқлаган қарорни АҚШ конгресси ўтган ҳафтада шоша-пиша қабул қилди. Чунки Ироқ Қувайт ҳудудига бостириб кириши натижасида Қўшма Штатларга нефть келтирилишига маълум даражада таъсир қилиш хавфи бор эди, маълумки ана шу нефть ҳисобидан мамлакатнинг энергияга бўлган кўпгина талаблари қондирилмоқда. Гап шундаки, президентнинг ёнилғининг бу запасларини тасарруф этишдаги ваколат муддати 15 августда тугайди, қонун чиқарувчилар эса сентябрь ойининг бошларидагина таътилдан қайтиб келадилар.

Америка Қўшма Штатларида стратегик нефть резервлари араб мамлакатлари 70-йилларда нефть эмбаргосини қўлланганликларига жавобан ташкил этилганди. Ҳозир Қўшма Штатларда Техас ва Луизиана штатларининг соҳил бўйларида 20 миллиард доллардан ошадиган 580 миллион баррелга яқин хом нефть сақланмоқда.

●

МАНАГУА. Сандиночиларнинг касаба уюшмалари Никарагуада янги ижтимоий можаро чиқаришга уринаётганлари йўқ, улар ҳал этилмаган иқтисодий муаммолар муносабати билан мамлакатда тобора кучайиб бораётган танглики бартараф этиш йўлларини ҳукуматга кўрсатиб беришга ҳаракат қилишмоқда. Меҳнаткашлар миллий фронтининг раиси Лусно Хименес бу ерда журналистлар билан учрашувда шуларни маълум қилди. Меҳнаткашлар миллий фронти июль ойида давлат хизматчиларининг умуммиллий иш ташлашини уюштирган, натижада жумҳуриятда кескин ижтимоий танглик юзага келганди.

Хименес ҳукумат меҳнаткашлар миллий фронти билан тузилган ва июль иш ташлашларига хотима берган битимни бажармаётганлигини айтди. Ҳукумат у билан янги иш ташлаш учун шароит яратишга ҳолисона кўмаклашмоқда, иш ташлаш ўтказиладиган бўлса, у аввалги ойда бўлган иш ташлашга нисбатан янада каттароқ кўлам касб этиши мумкин.

(ТАСС).

# РУС ТИЛИ ДЎСТЛАРИ

Вавилон минорасини қуриш чоғида тилларнинг ўзгариб, одамлар бир-бирини тушунмай қолганлиги тўғрисидаги афсона кулфат рамзи сифатида асрдан-асрга ўтиб келмоқда. Ҳақиқатан ҳам, парвардигор жазоламоқчи бўлса, ақл-идрокдангина эмас, бошқаларни тушуниш ва сени бошқалар ҳам тушунишидан маҳрум қилиб қўяди. Рус тили эса тарихан маълум халқларнинг алоқа воситасигина бўлиб қолмай, бирлаштирувчи тил эканлигидан, уни ер куррасининг олис жойларида ҳам эшитиш мумкинлигидан фахрланишга ҳақлимиз. Рус тилининг ана шу вазифаси рус тили ва адабиёти ўқитувчиларининг VII халқаро конгрессида бир ҳафта давомида муҳокама қилинади.

Анжуман 11 август куни Кремлда иш бошлади.

Умумбашарий қадриятларнинг устунлигига асосланган янги сиёсий тафаккур совет жамиятини қўшниларга очиқ қилиб қўйди. Қайта қуриш кўпларни «ер юзининг олтидан бир қисмини» ўзи учун қайта кашф этишга мажбур қилди. Москвада тўпланган рус тили дўстлари — салкам юз давлат вакиллари мамлакатимиз тарихи, маданияти ва ҳозирги турмушига қизиқишни кўп жиҳатдан қаноатлантиришга ёрдам беради, деб таъкидланди конгрессни очиш чоғида.

Биринчи мажлиснинг бошланишида СССР Президенти М. С. Горбачевнинг конгресс қатнашчиларига табриги ўқиб эшиттирилди.

СССР Министрлар Кенгашининг раиси Н. И. Рижков тўпланганларни Совет ҳукумати ва анжуманнинг ташкилий комитети номидан табриклади. У конгресс қатнашчиларининг ижодий фаолияти фақат билимларни тарқатишга хизмат қилиб қолмай, халқларни бир-бирига яқинлаштиришга, уларнинг ҳамжиҳатлигига, бир-бирларига қизиқиш билан қарашларига ёрдам беради, деб таъкидлади. Бу эса ҳозирги пайтда умумбашарий тараққиётнинг, жаҳон маърифати тараққиётининг, урушларсиз ва зўравонликсиз дунёни барпо этишнинг муҳим шартларидир. Совет ҳукуматининг бошлиғи конгресс рус тили соҳасидаги тилшунослар фаолиятида муҳим илмий воқеа бўлиб қолади, деб умид билдирди.

Учрашув қатнашчилари бир ҳафта давомида қизғин иш олиб борадилар. Тажриба алмашиш, янги методологияларни излаш, замонавийлик жиҳатидан тилнинг ҳозирги ҳолатини тадқиқ этиш, буларнинг ҳаммаси секцияларда ва давра суҳбатларида батафсил муҳокама қилинади. Анжуман делегатлари учун хилма-хил маданий программа ҳам тузилган.

**(ТАСС).**

## ҚИШЛОҒИМИЗ КИШИЛАРИ

# ҚИР СОҲИБҚИРОНИ

### I.

Бўтақора адирларига баҳор эрта келади. Лолақизғалдоқлар дув очилади-да, ўркач-ўркач қирларга алвон гилам тўшайди, нигоҳларни яйратади, дилларни энтиктиради. Бу ҳолат гўзалликка лоқайд одамда ҳам беихтиёр ширин туйғу уйғотади. Йўқ, Юнусали ака гўзаллик шайдоси бўлиб адирга чиқмаган. У саратон жазирамасини ҳам, юзларни қорайтириб, чатнатиб юборувчи адир шабадасини ҳам, қишлоқдан олислик машаққатини ҳам билар ва яхши ҳис қилар эди. Уни ҳамият адирга етаклади, қалбидаги кенгликларга интиқлик шу томон чорлади, билакларига куч ато қилди.

Орол қишлоғининг каттасидан кичигигача Юнусали акадаги қатъият ва самимиятни қадрлашади, ҳалол, пок меҳнат кишиси сифатида тан олишади. Энг муҳими, у ўзи ҳам, бошқаларни ҳам алдамай ишлашга одатланган. Қийинчиликлардан зорланганини, ютуқлардан ҳаволаниб кетганини эслаш қийин.

Мана шу лаҳзанинг ўзида, одамлар тонг уйқусининг ширинлигидан лаззатланаётган пайтда бўлим идораси олдидаги пайкалда пастдан юқорига ўрлаб, ғўза оралаб бораяпти. Субҳи содиқ, қуёш кўринишига анча бор. Қирда чайқалаётган мажнунтол остидаги чорпояга оҳорли тўшаклар тўшалган. Ёнгинасида шилдираб сув оқаётир. Ариқ лабида садарайҳон чайқалиб хуш бўйини таратади. Қайси қирга қараманг биронта жонзот кўринмайди. Ҳаҳ, тинчимас одам-а, шу чорпояда сен ҳам бошқаларга ўхшаб лоақал тонг саҳарда бироз ҳордиқ чиқарсанг бўлмайдими, дегинг келади.

Юнусали ака шу майдондаги ғўза гул кўрсатганини кечаёқ билган. Лекин ғўза оралаб, биринчи гулни кўришга ошиқмади. Ўша куни ҳам қирда тунаб қолди. Барвақт туриб, юзқўлини ювиб покланди. Дили равшан. Шундай пайтда биринчи гулни зиёрат қилгиси келди. У битта эмас эди. «Кўз тегмасин» дея ичида ният қилди. Асфальт йўлнинг нариги четидаги қиядаги ғўзалар ҳам қийғос гулга кирибди. Юнусали ака навбатдаги қирга кўтарилди. Энг баланд жойдаги майсазорга ёнбошлади. Олис-олисларда тобора равшанроқ кўриниб келаётган қишлоқларга суқ билан боқаркан, ютиниб қўйди. Ҳўў, ана, ўзи туғилиб ўсган қишлоғи — Орол. Ёнгинасидаги кўҳна Бутақора. Ана у ялтираб кўринаётган Андижон — Пахтаобод йўли. Кечагина шу йўлларда чанг, тўзон кўтарилиб турарди. Юнусали аканинг болалиги худди шу йўл ёқасида ўтган. Умр ҳам ўтаверар экан. Ўша кўча чангитиб юрган Юнусали бугун ўн фарзанднинг отаси, Андижон районидаги Ленин номли совхознинг адирдаги иккинчи бўлими

### II.

бошлиғи, вилоят танийдиган, қадрлаётган деҳқон.

Ҳа, умр ўтаверар экан, Кўз очиб юмгунча шунча йиллар ўтиб кетибди. Мана, олтмишни ҳам қоралаб қолди. Ўзи шу тутқич бермай ўтиб бораётган йиллардан нима олиб қолди. Юнусали аканинг ўзи нималар берди шу йилларга? Йўқ, ёлғиз қолган пайтларда ўтган умр ҳақида ўй суриш унгагина хос эмас. Ҳаммада ҳам шундай бўлади. Ғойибона саволлар келади, кимдир одил сўроқ қилади. Одам боласи шундай пайтда кўпроқ тўғри гапиришга, ростини айтишга ҳаракат қилади. Бу қарилик аломати эмас, имон билан вақти-вақти бақамти келиш онларидир.

Юнусали ака ўқишни орзу қиларди, лекин имкони бўлмади. 30-йилларнинг қаҳатчилиги, ундан кейин уруш, қимматчилик, бошоқ териб, атала ичиб кун кечирилган йиллар... У мурғак болалигидаёқ далага чиқди. Кейинчалик тракторчиликка ҳавас қўйди. Тракторга сув ташиди, ёрдамчи бўлди, хуллас шу касбни маҳкам ушлади. Ўша пайтларда 15—16 ёшли боланинг трактор бошқаришини ҳамма ҳавас қиларди. Колхоз раҳбарлари унга трактор беришди. Ўн йилдан зиёд механизаторлик қилиб бирор марта танбеҳ эшитмади. 70-йилларга келиб машинада пахта тера бошлаганида унинг номи вилоятга танилди, номдор механизаторга айланди.

Юнусали аканинг яна бир одатини ҳамқишлоқлари жуда қадрлашади. У сира иш танламаган. Лекин топширилган юмушни мутахассислардан ҳам зиёда уддалаб келган. Техника хавфсизлиги инженери бўлди, колхоз совхозга айлантирилгач, инженерлик қилди, беш йил бригада бошлиғи бўлди, фермани бошқарди. У билан бирга ишлаганлар ҳалиҳали уни ҳавас қилишади, гап билан эмас, қўл билан ишлайдиган одам, дея таъкидлашади. Юнусали ака ҳаётида нимаики яхшилик кўрган бўлса, ҳалол меҳнати туфайли шундай эъзозга сазовор бўлиб келаётир.

1985 йилнинг эрта баҳорида Бўтақора адиридан ўзлаштирилган ерда ҳосилдорликни кўтариш масаласи узоқ муҳокама қилинди. Ҳар хил фикрлар ўртага ташланди. Кўпчилик Юнусали Ҳайдаровдан бўлим бошлиғи бўлишни илтимос қилди. Сабаби унга ишонишарди. Жон-дилини бериб ишлашини неча йиллардан бери ўз кўзлари билан кўриб келишарди. Асосий гап Юнусали аканинг розилигида қолди. Ахир уям катта рўзғор бошлиғи, ёши ҳам бир ерга бориб қолган одам. Қишлоқдан чиқиб олис адирга бориб ишлаш учун жисмоний бақувватлик, ирода, энг муҳими, кимсасиз қирларга, меҳр қўйиш талаб

### III.

қилинарди. Юнусали ака ер чизиб, ўйланиб ўтирмади: «Қани яна бир бел боғлаб ишласак ишлабмиз-да», дея ўша кунданоқ адирга чиқиб кетди.

Дастлабки йил осон кечгани йўқ. Сув, техника, ишчи кучи масаласи анча қийнади. Юнусали ака иложи борича вақтинчалик бўлса ҳам одамларга дурустроқ яшаш шароити яратиб беришга ҳаракат қилди. Тик қияликларда ғўза ўстириш, ҳосил кўтариш машаққатини тасаввур қилиш қийин эмас. Юнусали ака ҳаммасига бардош берди. Энг қийин пайтларда деҳқонлар ёнида уларга ишончли суянчиқ бўлиб турди, руҳларини кўтариб, ишончларини мустаҳкамлай олди.

Табиат табиат-да. Ҳеч кимга бўйсунмайди. Тўлғонгиси келганда тўлғонаверади, бору йўқни баробар домига тортиб кетаверади. Ғўзалар шоналаш арафасида турарди. Майдондаги кўчатлар бир текис, барқ уриб ўсарди. Юнусали ака бригадама-бригада кезиб чарчамасди. Барчани ҳушёрликка чақирар, айниқса суғоришда хатоликка йўл қўймаслик заруратини уқтирар, маслаҳатлар берар, ўзи ҳам уч-тўрт кунлаб қишлоққа тушмай қирдаги чайлада тунаб қоларди.

Ўша куни пешиндан кейин қишлоққа тушиб кийим-кечакларини алмаштириб келмоқчи эди. Бунинг устига онаси тушига кирибди. 80 ёшли Ойимхон буви ўғлидан ҳафароқ эмиш. Юнусали ака, кексаликда, онамнинг соғлиғи дурустмикан, дея ўйлаб қолди. Пешиндан кейин негадир оёғи тортмади. Қишлоққа тушишни эртаси кунга қолдирди.

Кечга яқин тим қора булут карвони бостириб келди. Булут гўё бир терак бўй баландликда туриб, осмондаги тўғонини очиб юборгандай бўлди. Жала бор-йўғи ўн беш минутгина қирларни шундай саваладики, шиддатли ёмғирдан бутун адир чангиб кетди. Жилғалардан сув оқа бошлади. Ҳаммаёқ қоронғулик қаърига тортилган. Юнусали ака бўлим идорасидан Абдушукур Нуралиев бригадаси жойлашган қирга интилди. Бригадир бошлиқ тўрт-беш сувчи капа ичида шалаббо бўлиб ўтиришарди.

— Одамлар тинчми? — халлослаб сўради Юнусали ака.

— Тинч. Тинчмиз, — жавоб қилди бригадир.

— Маҳаммаджон бригадасига ўтаман, — йўлида давом этди бўлим бошқарувчиси. — Ўша томонда чақмоқ узилгандай ўхшаб кетди.

— Биз сезмадик, — жавоб қилди Абдушукир. — Бироз сабр қилинг, жала тинсин, жон-жонингиздан ўтиб кетибди.

Юнусали ака маслаҳатга эътибор ҳам қил-

### IV.

мади. Лойда сирғаниб, қадди эгилиб-букилиб нариги қирга интилди. У ерда ҳам одамлар тинч. Ундан Неъматжон бригадасига, кейин Ҳалимберди даласига ўтди. Одамларнинг бир қисми капаларда, бир қисми чала битган биноларда жон сақлашарди. Атрофни ваҳима босган. Юнусали ака қоронғу кечада ҳамма бригадаларни бирма-бир айланиб чиқди. Одамларнинг тинчлигини ўз кўзи билан кўргандан кейингина кўнгли ўрнига тушди.

Ҳамма даҳшат эрталаб тонг ёришганда лоп этиб кўзга ташланди. Қаттиқ жала шоналаш арафасида турган ғўзадан асар ҳам қўймаган эди. Лекин қияликларда бир томчи ҳам сув тўхтамай жилғаларга оқиб тушганди.

— чигитни бошқатдан экмаса бўлмайди, — деди кимдир. Яна кимдир:

— Эрта туриб индиндан иш бошлаш керак, — деди.

— Индиндан ёппасига қайтадан чигит экишни бошлаймиз, — деди Юнусали ака ҳам кўпчиликка қўшилиб. У ортиқча ваҳима қилиб ўтирмади. Чунки, ваҳима ёрдам бермаслиги тайин. Бунинг ўрнига шошилинч иш бошлаш керак. Эртасигаёқ Юнусали ака бутун экиш техникасини адирга олиб чиқди. Тўрт кун ичида барча майдонларга чигит қайтадан экилди.

Юнусали ака ўша йили ҳафталаб қишлоққа тушолмай қирлар бағрида қолиб кетди. Кечасию кундузи бригадама-бригада кезар, одамларнинг кўнглини кўтарар, ҳатто областда биринчи бўлиш ниятини ҳам яширмасди. Одамлар ҳам унга ўрганиб қолишган эди. Бир кун кўришмаса сўраб—суриштириб қолишарди. «Мана кўрасизлар, бизга ёмғир эмас, хазина ёғди. Анжонда биринчи планни бажарамиз» дер эди комил ишонч билан. Агар ўша йилги область газетасини варақлаб «Теримни биринчи бўлиб бошладилар», «Областда биринчи», «Мажбуриятни уддалашди» каби сарлавҳалар билан босилган хабарларга назар ташласангиз ҳаммаси Юнусали ака Ҳайдаров бўлими ҳақида эканига ишонч ҳосил қиласиз. Ўша йили (1986) 10 центнер ўрнига 15 центнердан юқори навли пахта топширилиб, йиллик план 150 фоизга етказилди. Адирда меҳнат қилаётганларнинг юзлари ёруғ бўлганини айтмайсизми. Шундан бери Юнусали ака етакчилик қилаётган бўлим деҳқонлари ҳар йили планни областда биринчи бўлиб адо этиб келаётирлар. Бошқача айтсак, биринчилик бир беш йилликдан бери сақлаб қолинмоқда.

Бўлим пахтакорларининг бу йилги ниятлари ҳам яна биринчи бўлиш. Улар 445 гектар ерга чигит экишди. Ҳар қалай бу йил бало-ю қазолар юз бермади. Кўчатлар тўлиқ ва дуркун, текис ҳосилга кирди. Бўлим деҳқонлари 40 гектар ердаги маккажўхорини, 25 гектар майдондаги бедани, 33 гектарлик олма, ўрик, шафтоли, узумзорни меҳр қўйиб парвариш қилишмоқда. Хуллас, адир бағридаги бўлим катта рўзғорга айланган. 6 та пахтачилик бригадасининг ўз полизи, боғи бор. Барчасининг дала шийпонлари баҳаво қирларда қад кўтарган. Тўғри, бу баҳор ҳам осон кечгани йўқ. Дастлаб айрим майдонларни бир қадар ўт босди. Бироқ Юнусали ака таҳликага тушмади, одамларга ишонди, уларнинг лафзларини инобатга олди. Бир ҳафта ичида ўт босган майдонлар тозалаб чиқилди. Ҳозирги кунда

### V.

бутун эътибор ҳосил тўплаш ойини қизғин меҳнат билан ўтказишга қаратилган.

Ўтган йилдан бошлаб Юнусали ака Отчопар адирида деҳқончилик қилаётир. Яна бўлим бошқарувчиси, яна тиниб-тинчимас ўша Юнусали ака қирма-қир дала кезаётир. Унинг оиласини айтмайсизми, ҳавас қилса арзигулик хонадон. Етти ўғил, уч қизнинг бир-бирларига бўлган меҳр-оқибатларидан Юнусали аканинг боши осмонда. Умр йўлдоши Кумушхон ая бўлса донгдор пиллакор, кўпмингкилограммчи теримчи. Беллашувда анча-мунча ёшларни йўлда қолдириб кетаётир. Ўғиллари Алижон билан Каримжон механизатор, Абдурасул билан Режавали шофёр. Юнусали ака беш келинли, икки куёвли бағри бутун ота. Айниқса байрам кунларида, бутун оила аъзолари жам бўлган дақиқаларда бу хонадоннинг файзи шуқуҳи ҳар қандай кишининг ҳавасини келтириши табиий.

Гапни Юнусали ақани тонг чоғида қирдаги майсазорда ёнбошлаб ўй сураётган лаҳзасидан бошлаган эдик. Қуёш ҳали ҳам бош кўтаргани йўқ. Салқин тонг шабадаси эсиб турибди. Қирларда гўзаллик, қирларда сукунат, қирларда янгроқ ҳаёт жозибаси. Қишлоқ йўлида енгил машина кўринди. У худди мана шу қирларга келиб қадалувчи асфальт йўлдан юқорига қараб шитобли келаётир. Юнусали ака сергакланди. Машина тобора яқинлашмоқда. Ие, ўзининг «Волга»сига ўхшаяпти-ку. Ҳа, ўша. Тинчликмикан? У қирдан йўл томон тушиб кела бошлади. Рулдаги Абдувалимикан, Режавалимикан? Ҳозир етиб келишади.

Машина бўлим идораси қад ростлаган қирга чиқиб келганида Юнусали ака ҳам етиб келди. Машинадан қомати бироз эгилиб қолган Ойимхон буви эҳтиёткорлик билан тушди. Кенжатой набираси Назирахон бувисининг қўлтиғидан ушлаб мажнунтол тагидаги чорпояга етаклаб бораётир. Юнусали ака ўзини босиб туролмади:

— Ёпирай... ёпирай... ойи, ўзингизмисиз?

— Ўзимман болам, ўзимман. Ҳалиям ёшлик қилар экансан-а? Ҳеч бўлмаса икки-уч кунда бир тушиб тургин-да.

— Уч-тўрт кундан кейин бўшаб қоламиз, кейин...

— Қўй-э, ўша кейиннингни. Хаёлим нималарга бормайди. Ҳар куни кўзим кўзингга тушиб турмаса чидамайман ахир, болам.

Ойимхон буви ўғли Юнусалининг пешонасидан ўпди, юзларини силаб-сийпалади. Нафасини ростлаб, хира кўзларини кенгликларга тикди:

— Шу қирларнинг ҳаммасини сизлар кўкартиряпсизларми?

— Ҳа. Ҳаммасини биз кўкартиряпмиз, ойи.

Ойимхон, бувининг олис-олис кенгликларга тикилган нигоҳларида ёш қалқди. Бу меҳр ёши эди. У ўғлига қайта-қайта тикиларкан, тўлқинланиб деди:

— Бўйларингдан ўргилай. Ўзингни ҳам аягин болам. Қара-я қорайиб кетибсан. Кўргим келиб чидаёлмадим, сен буни тушунмайсан.

Она билан ўғил бир-бирларига тикилиб қолишди. Қир устида пайдо бўлган қуёш уларнинг устидан зар сочиб юборди.

**А. ҚОРАБОЕВ,**
**«Қишлоқ ҳақиқати» мухбири.**

# ДАВЛАТ КОМИССИЯСИДА

СССР Министрлар Совети раисининг ўринбосари В. Х. Догужиев раислигидаги давлат комиссиясининг Симферополда ўтган сайёр мажлисида СССР ҳукуматининг «Қрим татарларнинг Қрим вилоятига қайтиб келиши билан боғлиқ масалаларни ҳал этишга доир биринчи галдаги чора-тадбирлар тўғрисида» шу йил 11 июль қарори бажарилишини йўлга қўйиш масалалари муҳокама қилинди. Ушбу тадбирларда шу йил 1 июнгача Қрим вилоятига кўчиб келган 8,4 минг оилани жойлаштириш, 1991 йилда 80 минг квадрат метр уй-жойни фойдаланишга топшириш, умумтаълим мактаблари, болалар боғчалари, поликлиникалар, шифохоналар ва ижтимоий соҳага қарашли бошқа иншоотларни қуриш кўзда тутилади. Қайтиб келаётган аҳолини келгуси йилнинг охиригача ишга жойлаштириш учун салкам 10 минг иш жойи ташкил этиш мўлжалланади. Қурилиш ташкилотларининг ишлаб чиқариш базасини мустаҳкамлаш, Қрим вилояти агросаноат комплекси ривожланишини таъминлаш мўлжалланмоқда.

Қарорда қрим татарларнинг Қрим вилоятига қайтиб келиши ихтиёрийлик асосида, ташкилий ҳамда давлат дастурида белгиланган тартиб ва муддатларга мувофиқ тарзда амалга оширилиши кераклиги таъкидланади.

Давлат комиссиясининг мажлисини тайёрлаш учун вилоятга иттифоқдош жумҳуриятлар ва Украина ССР идораларининг мутахассислари, қрим татарларнинг вакилларидан иборат ишчи гуруҳлар келдилар. Ана шу гуруҳлар уй-жойлар ва бошқа ижтимоий иншоотлар қуриш масалалари (жумладан, келаётганларни жойлаштириш, якка тартибда уй-жойлар қуриш учун ер ажратиш, прописка масалалари, якка тартибдаги қурилишни моддий ва молиявий ресурслар билан таъминлаш имкониятлари)ни қурилиш комплексини ва бинокорлик материаллари саноатини янада ривожлантириш, қайтиб келаётган аҳолини ишга жойлаштириш учун иш жойлари ташкил этиш йўлларини муҳокама қилдилар.

Давлат комиссиясининг аъзолари қрим татарлар жам бўлиб яшайдиган районларда, улар яшаш учун кўчиб келаётган аҳоли пунктларида бўлдилар.

Давлат комиссияси Қрим вилояти ва Украина ССРнинг совет ва хўжалик идоралари белгиланган энг муҳим тадбирларни амалга ошира бошлаганликларини таъкидлади. Ҳозирги вақтгача вилоятга тарқоқ ҳолда салкам 90 минг қрим татар қайтиб келди. 1989 йилнинг ноябридан бошлаб 9,3 минг оила жойлаштирилди, бундан 4,5 минг оилага ер ажратилди, 3,6 минг оила уй сотиб олди, 1,2 минг оилага давлат ва идораларга қарашли уй-жой фондидан квартиралар берилди. Келгуси йилдан бошлаб якка тартибда уй-жой қуриш билан бир қаторда давлат маблағлари ҳисобидан ҳам уй-жойлар барпо этишни бошлаб юбориш мўлжалланмоқда.

Айни вақтда жумҳуриятда ва вилоятда СССР Министрлар Советининг юқорида тилга олинган қарорида белгиланган топшириқларни бажаришнинг аниқ режаси йўқлиги, қурилишни моддий-техника ресурслари билан таъминлаш масалалари зарур даражада ишлаб чиқилмаганлиги муҳокама чоғида маълум бўлди. Қрим татарлар вилоятга ҳамон тарқоқ ҳолда кўчиб келаётганликлари ва улар ўзбошимчалик билан ерларни, жумладан колхоз ва совхозларнинг хўжалик оборотида бўлган ерларини эгаллаб олаётганликлари бу тадбирларни рўёбга чиқаришда қўшимча қийинчиликларни вужудга келтирмоқда. Қрим вилояти халқ депутатлари маҳаллий Советлари, корхоналарнинг меҳнат жамоалари биринчи галдаги тадбирларни рўёбга чиқаришга оид ишга ҳамон етарли даражада жалб этилмаган.

Ҳукумат тасдиқлаган биринчи галдаги тадбирларни амалга ошириш учун аввало халқ депутатлари маҳаллий Советларининг, хўжалик ташкилотларининг ишини кучайтириш талаб этилади. Шу мақсадда давлат комиссияси Украина ССР Министрлар Советига ва Қрим вилояти ижроия комитетига қрим татарларни Қрим вилоятида жойлаштириш схемасини ишлаб чиқишни жадаллаштириш ва кўчиб келишни хоҳловчи оилаларни белгиланган жойлар билан таништириш учун ер участкаларини олдиндан ажратиб қўйишни таклиф этди. Уй-жойлар ва бошқа ижтимоий объектлар барпо этиш учун маҳаллий бинокорлик материаллари ишлаб чиқаришни кўпайтириш ва махсус қурилиш ташкилотлари, жумладан қрим татарлардан иборат қурилиш ташкилотлари тузиш мўлжалланмоқда.

Амалга оширилаётган ишларни яхшироқ мувофиқлаштириш мақсадида энг муҳим тадбирларни рўёбга чиқариш билан боғлиқ амадий масалаларни ҳал этишни кўзлаб, Қрим вилояти ижроия комитетида бўлинма ташкил этиш мақсадга мувофиқ, деб топилди.

Иттифоқ ҳукумати даражасида ҳал этиш зарур бўлган масалалар ва биринчи галда белгиланган тадбирларни моддий ва молиявий ресурслар билан таъминлаш масалалари аниқлаб олинди. Ҳудудидан қрим татар аҳолиси кўчиб кетаётган иттифоқдош жумҳуриятларнинг белгиланган топшириқларни бажаришдаги иштироки масалалари ишлаб чиқилмоқда.

Давлат комиссияси қайтиб келаётган қрим татарлар ўзбошимчалик билан, Қрим вилоятидаги Совет ҳокимияти маҳаллий идораларининг рухсатисиз ерларни эгаллаб олиш ҳолларига йўл қўйиб бўлмаслигини эътироф этди.

Қрим татарлар билан маҳаллий бошқарув идоралари ўртасидаги муносабатларда кескинлик рўй бераётганлигининг сабабларидан бири аҳолининг СССР Олий Совети қарорларини бажариш билан боғлиқ ишларнинг амалдаги аҳволидан ҳамда давлат комиссияси, УССР Министрлар Совети ва халқ депутатлари Қрим вилояти Совети ижроия комитети кўзда тутилган тадбирларни рўёбга чиқариш юзасидан ўтказаётган ишлардан етарли даражада хабардор эмаслигидадир. Ана шу ишни яхшилашга доир тегишли топшириқлар берилди. Давлат комиссияси аъзоларининг вилоят фаоллари ва қрим татар жамоатчилиги билан учрашувлари ўтказилди.

Давлат комиссияси Украина ССР План давлат комитети раисининг биринчи ўринбосари В. П. Поповнинг қрим татарларни Қрим вилоятига қайтариш давлат программасини ишлаб чиқишнинг бориши тўғрисидаги ахборотини маълумот учун қабул қилди. Украина ССР Министрлар Советига ва Қрим вилоят ижроия комитетига мажлисда айтилган танқидий мулоҳазаларни ва улар юзасидан тайёрланган лойиҳага оид таклифларни умумлаштириш ҳамда лойиҳани узил-кесил ишлаб чиқишда ана шу мулоҳаза ва таклифларни ҳисобга олиш вазифаси топширилди.

Давлат дастури лойиҳасини комиссиянинг навбатдаги мажлисида кўриб чиқиш мўлжалланади.





Хоразм вилояти Урганч ноҳиясидаги Калинин номли колхозда ижтимоий муаммолар муваффақиятли ҳал этилмоқда. Яқинда бу ерда кулолчилик цехи очилди. Унинг маҳсулотлари: товоқ, гулдон ва лаган нафақат район аҳолисига, балки Туркманистон ССР ҳамда Қорақалпоғистон мухтор жумҳурияти меҳнаткашларига ҳам манзур бўлаяпти.

СУРАТЛАРДА: 1. Уста Маҳмуд Худойберганов ва инженер Фарҳод Ибодуллаев. 2. Сопол лаганлар.

Н. МУҲАММАДЖОНОВ олган суратлар.

## МЕҲМОНДЎСТЛИК ҚОНУНИГА БИНОАН

Днепропетровсклик эр-хотин Самоварлар ўз фарзандлари хизмат қилаётган Озарбайжонга бориб келишди. Улар жумҳуриятда қисқа муддат бўлишларига қарамай, бу ўлкада шарқона меҳмондўстлик анъаналари ҳали ҳам давом этиб келаётганлиги ва авайлаб сақланаётганлигини ўз кўзлари билан кўрдилар.

— Озарбайжон диёрига қадам қўйишимиз биланоқ, — дейди Н. Самовар, —биз одамларнинг дўстона чеҳраларини кўриб жуда енгил тортдик. Чунки бу ерга келаётганимизда бизга эҳтиёт бўлишни айтишган эди. Бокуда эрим билан менга навбат кутмасдан поездга билет олишга ёрдам беришди. Ганжада мутлақо нотаниш одамлар автостанцияга кузатиб қўйишди. Ўғлимиз хизмат қилаётган Тауз районида бизни азиз меҳмонлардек кутиб олишди. Шу ерда яшовчи Илҳом Мусаев бизни ўз уйига жойлаштирди, тасодифни қарангки, у ўғлим Андрей билан бир батальонда хизмат қилган экан.

Қолаверса бу ерда бошқача бўлиши мумкин эмасди. Қишлоқ оқсоқоллари ўз юртдошлари, Совет Иттифоқи Қаҳрамони Мардон Мусаевнинг украин халқининг меҳмондўстлиги, ғамхўрлиги тўғрисидаги хотираларини ҳали ҳам эслашади.

Эр-хотин Самоварлар қишлоқ аҳли билан хайрлашар эканлар, меҳмондўстлик учун миннатдорчилик изҳор қилишди.

— Биз Озарбайжон тўғрисида тарқатилган миш-мишлар ва ноҳолис ҳабарлар тасдиқланмаганидан хурсандмиз, — дейишди улар ТАСС мухбири билан суҳбатда. Ўғлимиз ҳақиқатан ҳам яхши ва бағри кенг одамлар ўлкасида хизмат қилмоқда.

Л. ШУЛЬМАН,
ТАСС мухбири.

# ҚАТЪИЙ НОРОЗИЛИК

«Биз миллий сиёсатимиз муаммолардан ҳоли эмаслигини яхши тушунамиз. Бу мутлақо қонунийдир, зотан иттифоқимиз — мураккаб ва ривожланиб бораётган ижтимоий-сиёсий организм ҳисобланади», — деди КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, Латвия Компартияси Марказий Комитетининг биринчи котиби А. Рубикс. У Латвия-Белоруссия чегарасида бўлган дўстлик митинги қатнашчилари ҳузурида нутқ сўзлади. Бир гуруҳ латишлар бу ерда сал олдинроқ Латвия герби туширилган чегара устунларини бугунги расмий чегарадан тахминан бир ярим километр берида ўрнатган эди, бу билан «1939 йил чегараларида жумҳурият давлат мустақиллиги»ни «тиклаган эдилар», — деб хабар қилади жумҳурият газеталари.

Бундай иш қатнашчиларининг хатти-ҳаракатлари Белоруссиядагина эмас, қўшни жумҳуриятларнинг аҳолиси ўртасида ҳам кескин норозилик туғдирди.

А. Рубикс Болтиқбўйидаги уч жумҳурият раҳбарларининг масъулиятсизлиги Латвия коммунистларини ғазаблантирганлигини ҳам айтди. Бу раҳбарлар мазкур жумҳуриятларнинг вакиллари иттифоқ шартномасини тайёрлаш жараёнида қатнашишлари мумкин эмас, деб ҳисоблашаётганини ўз жумҳуриятлари халқлари номидан айтган эдилар. «Биз бу баёнотни сиёсий калтабинлик деб баҳолаймиз, у Европада тобора кучайиб бораётган интеграция жараёнларини инкор этади ва иттифоқ шартномасида қатнашишни хоҳлайдиган жумҳуриятлар ўртасидаги ҳамкорликда шубҳасиз қийинчиликлар туғдиради», — деб таъкидлади у.

**(ТАСС).**

# ЗИЁКОР

— Қизим, менга достон китобларингдан бўлса бергин, набираларимга ўқитиб ҳузур қилай, — деди қария кутубхона мудирасига мурожаат этиб.

— Хўп бўлади, отахон, ҳозир топиб бераман.

Китобхон ва мудира ўртасидаги бундай ширин суҳбатни Қамаши районидаги Ленин номли колхознинг Бердали қишлоғида жойлашган кутубхонада ҳар куни эшитиш мумкин. Бу ерда Карши маданият билим юртини тамомлаб келган Қундуз Худойбердиева кўпдан бери ишлайди.

Зиёкор қиз ишлаётган нурхонада 5000 га яқин турли хил китоб мавжуд. Кутубхонага 400 киши расмий аъзо. Улар орасида турли ёшдаги ва касбдаги кишилар бор. Механизатор Т. Бердиев, ўқитувчи Қ. Бердиев, тарбиячи Ф. Режабова, сигирсоғар А. Хушвақтова, савдо ходими М. Эрназаровлар фаол китобхонлардир. Улар ёрдами билан турли хил тадбирлар ўтказилади. «Янги китоблар», «Эртаклар оламида», «Чет эл адабиёти» каби мавзулардаги кўргазмалар ва бурчаклар ҳаммани қизиқтиради.

**Ў. ҚИЛИЧЕВ.**

